

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үч.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАЛОЛОВ ШЕРЗОД РУСТАМОВИЧ

**КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 — Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд
экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation

Жалолов Шерзод Рустамович

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг
криминалистик жихатлари..... 3

Жалолов Шерзод Рустамович

Криминалистические аспекты расследования коррупционных
преступлений..... 25

Jalolov Sherzod Rustamovich

Criminalistic aspects of investigation corruption crimes..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үч.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖАЛОЛОВ ШЕРЗОД РУСТАМОВИЧ

**КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 — Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд
экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти (www.mgju.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Инагамджанова Зумратхон Фатхуллаевна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пулатов Юрий Сайфиевич юридик фанлар доктори, профессор Баратов Азим Шамсиевич юридик фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; Jxu@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.М. Газиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупцияга қарши курашиш, коррупцион жиноятларни аниқлаш ҳамда тез ва тўлиқ очиш, тергов қилиш, жиноят содир этган барча шахсларни фош қилиш, фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқларини жинойи тажовузлардан ҳимоялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, рақамли технологияларни, янги криминалистик усул ва воситаларни қўллаш механизмларини жорий этиш, замон талабларига мос автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимлари ва ахборот базаларини яратишга эҳтиёж мавжуд. Ривожланган демократик давлатларда коррупцион жиноятларнинг энг хавфли тури ҳисобланган порахўрлик ва ноқонуний фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича махсус тергов-тезкор тадбирларини ўтказишда, хусусан, жиноят устида шахсни қўлга олишда турли электрон кузатув воситалари (телефон ва бошқа телекоммуникация мосламалари) орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, бунда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда молиявий разведка каби махсус усуллар кенг қўлланилмоқда. Бунинг натижасида коррупцион жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг имкониятлари анча ошди. Мазкур давлатларда қўлланаётган тергов қилишнинг самарали криминалистик методикасини бугун миллий қонунчилигимиз ва соҳа амалиётига трансформация қилиш масаласи катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳонда коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг оқибат ва сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган турли шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ҳар хил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги илмий тадқиқотлар кўлами ортиб бормоқда. Улардан маълум бўлишича, коррупцияга, айниқса порахўрлик жиноятларига қарши кураш самарадорлигини оширишда махсус техник мослама ва қурилмаларни, жумладан пора предметига электрон маёқча ўрнатиш, шахсни жиноят устида қўлга олиш жараёнини турли ракурслардан фото-, видео- ва аудиоёзувларни дронлар ёрдамида қайд этиш, уяли телефонларни криминалистик тадқиқ этишга мўлжалланган UFED қурилмаси ҳамда электрон қурилмаларни чизиқли бўлмаган локатор воситасида аниқлаш каби янгича тактик усулларни амалиётга жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатларда ижтимоий тармоқлар криминалистикаси, бармоқ излари ва юз қисмини автоматлаштирилган тарзда идентификация қилиш, замонавий криминалистик технология ва усуллар қаторида чизиқли бўлмаган локатор, полиграф, ДНКни экспрес-тест қилиш, уяли телефонларни криминалистик тадқиқ этишга мўлжалланган турли қурилмалардан фойдаланиш оммалашиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда ҳам коррупцион жиноятларни тергов қилиш фаолиятини замонавий ахборот технологиялари ва криминалистик усуллар билан

куроллантиришни долзарб масала сифатида ижтимоий-ҳуқуқий майдонга олиб чиқмоқда. Айнан замонавий техника ва технология имкониятларининг чекланганлиги ҳамда уларга асосланган криминалистик усулларнинг етарли шаклланмаганлиги республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан нафақат коррупциявий, балки барча турдаги жиноятларни тергов қилиш, уларни содир этган шахсларни фош этиш амалиётидаги нуқсонларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Жумладан, статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жами 61 263 нафар шахсга нисбатан 47 647 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 932 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ва реабилитация қилинган¹.

Ўзбекистонда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга шарт-шароит яратадиган сабабларни бартараф этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш» бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида муҳим вазифалар белгиланган². Шу боис коррупцияни ижтимоий хавfli ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг ҳар бир тури бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида амалга ошириладиган тергов ҳаракатларининг алгоритминини ишлаб чиқиш, жиноятни “иссиқ изи”дан очиш мақсадида гумон қилинувчининг уяли телефони “биллинг” ва “радиопеленгация” қилиш, тергов идораларида автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ҳамда компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базалари тизимларидан фойдаланишни кенг жорий қилиш ва янада ривожлантиришни илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (03.01.2017 й.) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (02.02.2017 й., ПҚ–2752-сон) қарори, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (27.05.201 й., ПФ–5729-сон) ва «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (29.06.2020 й., ПФ–6013-сон) Фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги (29.06.2020 й., ПҚ–4761-сон) қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (31.12.2020 й., 829-сон) қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил

¹ <https://sud.uz/ru/2501-5/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 28.01.2022 йил, ПФ-60-сон // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. www.lex.uz.

этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (06.07.2021 й., ПҚ–5177-сон) қарори ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг қоида-талабларини янада такомиллаштиришга, ижросини таъминлашга ҳамда давлатнинг коррупцияга қарши кураш сиёсати ташкилий-ҳуқуқий механизмининг самарадорлигини муайян даражада оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг “Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш” номли учинчи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш муаммоларининг *жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари* Ғ.А. Абдумажидов, А. Закурлаев, З.Ф. Инагамджанова, Б.И. Исмаилов, Т.Б. Маматкулов, Д.М. Миразов, Ф. Мухитдинов, Б.Х. Пулатов, Ю.С. Пулатов, Б.А. Ражабов, М.А. Ражабова, Ҳ.А. Тураббаев, Л.Ю. Югай каби олимлар томонидан ўрганилган.

Таҳлил қилинаётган мавзунинг *жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини* Қ.Р. Абдурасулова, Ғ.А. Аҳмедов, М.А. Абдухолиқов, А.А. Атаджанов, Б.Д. Ахроров, Б.А. Блиндер, А.С. Ёқубов, Р.А. Зуфаров, Р. Кабулов, Ю.М. Каракетов, Қ.М. Мирзажонов, М.Х. Мусаев, Э.Х. Норбўтаев, М.Х. Рустамбоев, М.М. Қодиров, Э.Х. Ҳақимов ва Г.Б. Нурмухамедова каби олимлар илмий-назарий тадқиқ этишган.

МДХ олимларидан В.А. Азаров, Г.А. Алиева, В.А. Алфёрова, А.Ю. Афанасьев, Р.С. Белкин, А.А. Борзов, Ю.П. Гармаев, С.А. Головкин, Е.В. Гулина, В.Н. Карагодин, В.Н. Корма, В.В. Крюков, О.А. Кузнецова, С.П. Плохова, Ю.В. Сапелкин, Ю.П. Стрепкова, Х.А. Умаров, Е. Ю. Фролова, А.Н. Халиков – *мансабдорлик жиноятлари бўйича*, И.А. Гельфанд, Б.В. Здравамыслов, В.Ф. Кириченко, М.Д. Лисов, А.Я. Светлов, Б.С. Утевский эса *порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик* масалаларини ўрганишган.

Хорижлик олимлар орасида коррупцияга қарши курашнинг криминалистик ва жиноят-процессуал жиҳатлари Мэтью Коул (Matthew Cole), Рикардо Пелиццо (Ricardo Pelizzo), Девид Торселло (Davide Torsello), Ойген Димант (Eugen Dimant), Николас Хамелин (Nicholas Hamelin), Майкл Джонстон (Michael Johnston), Джон Гирлинг (John Girling), Бриджитт Цимерман (Bridgette Zimmerman) ва Жон Перкинс (John Perkins) каби олимлар томонидан ўрганилган¹. Хусусан, Девид Торселло – давлатлар томонидан коррупциявий жиноятларни профилактика қилишнинг аҳамиятини, Ойген Димант эса миграциянинг коррупция даражасига таъсирини тадқиқ этишган.

Юқоридаги олимларнинг илмий асарларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларни жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатдан тергов қилиш, тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактикаси, методикаси, махсус-техник криминалистик усулларни қўллаш, коррупциянинг олдини олиш ва бошқа масалалар комплекс тарзда кўриб чиқилмаган. Коррупцион жиноятларнинг

¹Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

содир этилиш усул ва шакллари муттасил ўзгариб бораётганлиги сабабли тергов амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда ушбу жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича монографик тадқиқот олиб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида амалга оширилаётган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш” мавзудидаги тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифига оид илмий-назарий қарашларни тизимли таҳлил қилган ҳолда унинг амалиёт эҳтиёжига монанд равишда ривожланиш хусусиятларини очиб бериш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг ижтимоий-ҳуқуқий заруратини таҳлил қилиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ўзига хос тактик жиҳатларини асослаш;

ушбу жиноятлар бўйича терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида юзага келадиган типик тергов вазиятлари ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини белгилаш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасига хос хусусиятларни таҳлил қилиш;

коррупциявий жиноятларни тергов қилишда фан-техниканинг илғор ютуқлари қаторида рақамли технологиялар, криминалистиканинг замонавий янги усул ва воситаларини қўллаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

мазкур жиноятларни тергов қилиш методикасининг асосларини ва дастлабки тергов органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш;

коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг кейинги босқичларида тергов ҳаракатларини ўтказишнинг хусусиятларини илмий-амалий таҳлил қилиш;

ушбу жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий жиҳатдан асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик усулларини қўллашда юзага келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети коррупцион жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик восита ва усулларини қўллаш бўйича ваколатли органларнинг фаолияти, ҳуқуқий фанлардаги мазкур соҳага оид концептуал ёндашувлар ва

илмий-назарий қарашлар, халқаро келишув ва шартномалар, статистик маълумотлар ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг коррупциявий жиноятларини тергов қилиш амалиёти ва қонунчилиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби турли илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифодаланади:

коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилиб, бунда «муайян тоифадаги жиноятлар, жиноятчи шахслар ва мазкур жиноятни содир этиш шароитлари тўғрисидаги, уларни очиш ва олдини олишга қаратилган, типик ҳамда ўзаро боғлиқ жиноятларни тергов қилиш усуллари асосий элементларидан иборат маълумотлар» тушунилиши зарурлиги, мазкур тавсифнинг асосларини жиноятни содир этиш усуллари, жиноят излари, жиноятчининг шахси, мотив ва мақсадлари, жиноят содир этиш шарт-шароитлари (жойи, вақти) каби элементлар комплекси ташкил қилиши асослантирилган;

«мамлакатда коррупция ҳолати тизимли таҳлил қилинишини таъминлаш, шунингдек коррупцияга оид хавф-хатар даражаси юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш»ни Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири сифатида белгилаш зарурлиги асослаб берилган;

«Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан, биринчи навбатда, коррупцияга оид Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига путур етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш тартибини жорий этиш» мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколатларидан бири сифатида «коррупцияга оид жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, коррупциянинг оммавийлашув омилларини тизимли таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш ҳуқуқи»ни мустаҳкамлаш кераклиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

«коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи»ни такомиллаштириш бўйича муаллифлик таърифи берилган;

порахўрлик тўғрисидаги ишларни кўришда қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

коррупциявий жиноятларнинг олди олинишини такомиллаштириш мақсадида ноқонуний йўл билан бойлик орттирганлик, майда порахўрлик, пора ваъда қилганлик ва таклиф этганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асослантилган;

коррупцияга қарши курашишни самарали ташкил этишда процессуал ҳаракатлар ҳамда фаолиятни умумлаштириш тартиб-таомилларига оид Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг қўшма қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечириш ҳамда олиб қўйиш ёки тинтув ҳаракатлари холислар иштирокисиз ҳам ўтказилиши мумкинлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 136- ва 160-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширувдан тортиб ишни судга оширишгача бўлган босқичларда амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлари, тактик операциялар таснифи ишлаб чиқилган ҳамда бунда криминалистик техникага оид замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларини қўллаш зарурлиги илмий жиҳатдан асослантилган;

коррупцион омилларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини оширишни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш таклиф этилган;

жиноий гуруҳларнинг фаолияти ва жиноятлари, ўзаро алоқалари, раҳбарлари, аъзолари, махфий ташкилотлари тузилиши, фойдаланаётган усул ва воситалари ҳамда молиявий таъминот манбалари тўғрисида ахборот олиш ва тергов қилиш каби коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурати моддий ва процессуал жиҳатдан асослаб берилган;

коррупция билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишнинг дастлабки ва кейинги босқичлари, тартиби ва хусусиятларини такомиллаштириш орқали хусусий криминалистик методикани мустаҳкамлаш ва тоифалаш борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот натижасини акс эттирувчи хулосалар коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишни криминалистик таъминлаш соҳасига алоқадор бўлган, назариётчи олимлар томонидан эътироф этилган илмий ишланмалар, тадқиқот мавзусига оид статистик маълумотлар, амалиётга доир умумлашмалар, ижтимоий сўровлар натижасининг таҳлилига асосланган. Ишда соҳа мутахассислари (114 нафар тезкор-тергов ходими, шунингдек 286 нафар профессор-ўқитувчи) ўртасида ўтказилган анкета сўровларидан ҳам фойдаланилган. Шунингдек, судларда 2017 йилдан 2022 йил иккинчи чорагига қадар кўрилган 571 та жиноят ишларини

ўрганиш натижалари умумлаштирилган. Тадқиқотчининг қонун нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан билдирган таклиф ва тавсиялари мавзуга оид тадқиқотлардаги умумилмий-методологик асосларга мос келади.

Тадқиқот ишидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари миллий ва етакчи хорижий нашрларда чоп этилган. Тадқиқот натижасида олинган натижалар ваколатли идора ва тузилмалар томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* шундаки, коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялардан соҳага оид назарий (доктринал) билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамиятини* коррупцияга қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи турли даражадаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу йўналишдаги жиноятларни тергов қилиш тактикаси ва услубиётини такомиллаштиришда, аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини юксалтиришда, коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда, «Коррупцияга қарши кураш», «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Криминалистика», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Терговга қадар текширув», «Суриштирув», «Дастлабки тергов» каби ўқув фанларидан машғулотлар ўтказишда, ушбу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва методик материаллар тайёрлашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги тарзда жорий этилган:

“коррупция билан боғлиқ жиноятлар криминалистик тавсифининг асосий элементлари” тушунчасига доир концептуал ғоя ва таклифлар «Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш услубиёти» номли ўқув қўлланмасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги №1000-сон буйруғи*). Бу эса мутахассислик бўйича таълим олаётган курсантлар, профессор-ўқитувчилар, малака ошириш факультети тингловчилари, шунингдек коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашувчи органлар ходимларининг билим, маҳорат ва кўникмалари шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларини тўлдиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020 йил 29 июнь, ПФ–6013-сон) Фармонининг 2-банди биринчи хатбошисида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21–21-сон далолатномаси*). Ушбу таклифлар Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли равишда таҳлил қилиш, коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш борасидаги вазифаларини белгилаш ҳамда давлат органлари, муассасалари, идоралари, нодавлат ва

нотижорат ташкилотлари билан муносабатларнинг тартибга солинишини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тергов натижаларини таҳлил қилиш тартибини жорий этишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020 йил 29 июнь, ПФ–6013-сон) Фармонининг 3-банди учинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21–21-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий этилиши мамлакатдаги криминоген вазиятни аниқ белгилаш, коррупцион жиноятларнинг умумий ва махсус профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг амалдаги механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва аниқлаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020 йил 29 июнь, ПФ–6013-сон) Фармонининг 4-банди бешинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21–21-сон далолатномаси*). Бу эса коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда мазкур жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалистик усулларини қўллаш самарадорлиги янада оширилишига ҳамда қонун ҳужжатларида Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқларини янада мустақамланишига хизмат қилган;

коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик таснифи ва типологияси, улар бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлари, тактик операциялар алгоритми ҳамда уларда қўлланиладиган янги ахборот-коммуникация технологиялари ва криминалистик техника воситалари тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятига жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 24 ноябрдаги 26/4357-сон далолатномаси*). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, бўлинмаларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга тоқатсизлик ва мурасизлик муҳитини яратиш, шахсий таркиб ўртасида салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 7 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ва семинарда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола (улардан биттаси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, унда “коррупция”, “коррупция билан боғлиқ жиноятлар” тушунчалари таҳлил қилинган, коррупциянинг моҳияти очиқ берилган, таърифи ва тавсифи кўриб чиқилган, шунингдек ушбу турдаги жиноятларнинг турлари кўрсатилиб, мавзуга оид назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Бобнинг биринчи параграфи *«Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифини»* такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда коррупция замонамизнинг энг даҳшатли илллати сифатида кўриб чиқилган. Ўзбекистонда ва дунё мамлакатларида содир этилаётган ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб боришда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг долзарблиги кўрсатилган. Ғ. А. Абдумажидов, Қ. Абдурасулова, Р. С. Белкин, А. К. Закурлаев, Р. А. Зуфаров, В. А. Образцов, Б. Х. Пулатов, Ю. С. Пулатов, М. Х. Рустамбаев каби олимларнинг “коррупция” тушунчасига берган таърифлари ва у ҳақидаги фикрлари таҳлил қилиниб, ушбу тушунчанинг «...ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий пойдеворида зарба берадиган, инсониятнинг давлатга бўлган ишончи ва умидини емирадиган, халқаро миқёсда давлатнинг обрўсига путур етказадиган мураккаб салбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса», деган муаллифлик таърифи таклиф этилган.

Тадқиқот доирасида мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилиш соҳалари бўйича таҳлил қилинган. Хусусан, 2019–2020 йиллар давомида Ўзбекистонда 1986 нафар мансабдор шахс коррупцион жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бунинг оқибатида давлатга ва жамиятга 2 трлн сўм (Марказий банкнинг 2020 йил 7 ноябрдаги курси бўйича тахминан 193 млн АҚШ доллари) миқдорида моддий зарар етказилган. Республикамиз бўйича иқтисодий секторда бюджет пуллари растрата қилинган бўлиб, 2477 нафар мансабдор шахс коррупцион жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 41 нафари — молия тизимида, 166 нафари — банк соҳасида, 31 нафари — солиқ соҳасида (мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятини содир этгани учун), 1233 нафари — қурилиш соҳасида (ер ажратиш, тендерлар ўтказиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини

рўйхатдан ўтказиш, коммуникация-муҳандислик тармоқларидаги ишлар бўйича), 57 нафари — транспорт соҳасида (йўл қурилиши учун ажратилган бюджет пулларини ўзлаштирганлик бўйича), 391 нафари — қишлоқ хўжалиги соҳасида (ер участкаларини ноқонуний ажратган), 70 нафари — олий таълим тизимида (асосан порахўрлик жиноятларини содир этган), 318 нафари эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилган¹.

2021 йилда Ўзбекистон бўйича жами 5483 нафар шахсга нисбатан 3769 та коррупцияга оид жиноят иши кўриб чиқиш учун тегишли тартибда судларга юборилган. 2020 йил билан таққослаганда судга юборилган жиноят ишлари сони 2621 тага, жавобгарликка тортилган шахслар сони эса 3760 тага ёки 218 фоизга кўпайган. Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2020 йилда 500 млрд 102 млн сўмлик моддий зарар етказилиб, 355 млрд сўми ёки 71,0 фоизи ундирилган бўлса, 2021 йилдаги моддий зарар миқдори 1 трлн 282 млрд сўмни ташкил этгани ҳолда, улардан 887 млрд сўми ёки 69,1 фоизи ундирилган².

Диссертант коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг энг хавфлиси ҳисобланган порахўрлик жиноятларини тергов қилишда порахўрлик жинояти содир этилган-этилмаганлиги, жиноят содир этилган шарт-шароит (жой, вақт), жиноят ким ёки қайси мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги, жиноятчининг шахсига хос хислатлар, жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса — уюшган гуруҳ аъзоларининг таркиби, сони ва вазифаси, жиноят ташкилотчиси ҳамда ҳаракат режасини ишлаб чиққан шахс, уюшган гуруҳнинг шаклланиш тарихи, иштирокчиларнинг унга жалб қилиниш тартиби, жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этиш жараёнлари (тўлиқ тавсифи), жиноятни содир этишдан кўзланган асосий мақсад ва мотив, жабрланувчиларнинг сони ва шахсига оид маълумотлар, пора суммаси, пора олувчининг мансаби, хизмат ваколатлари ва мажбуриятлари, жиноят натижасида етказилган зарар ва оқибат каби ҳолатлар аниқланиши зарурлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, уларни фош қилиш, очиш, тергов қилиш ва олдини олишни ўргатишга ихтисослашган олий таълим муассасаси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

“Коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати” деб номланувчи иккинчи параграфда “коррупция” тушунчаси, коррупциянинг моҳияти, коррупцион жиноятларнинг турлари ва юридик таҳлили, коррупцияга қарши курашнинг ривожланиш босқичлари ва ижтимоий зарурати, коррупцияга қарши курашда миллий қонунчилик, халқаро ҳужжатлар (БМТ, Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тегишли ҳужжатлари) ҳамда хорижий давлатлар (Янги Зеландия, Дания, Сингапур, Япония ва Россия Федерацияси)нинг тажрибаси таҳлил қилинган.

Диссертацияда коррупция билан боғлиқ жиноятлар *тарқалиш миқёсига кўра* халқаро ва миллий миқёсдаги коррупцияга бўлинган. Бунда:

¹<https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/07/corruption/>

²https://uza.uz/uz/posts/korruptsiya-tufayli-davlat-va-zhamiyat-manfaatlariga-1-trillion-282-milliard-som-zarar-etkazildi_353766

халқаро миқёсдаги коррупция чет эл мансабдор шахсларини сотиб олиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яшириш ва халқаро уюшган жиноятчилик билан боғлиқ;

миллий миқёсдаги коррупция эса ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари ҳамда бизнес секторидаги мансабдор шахслар ва оддий фуқаролар ўртасидаги ўзаро алоқалар натижасида вужудга келади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар *шаклига кўра* қуйидагича таснифланган:

мансабдор шахс томонидан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш;

тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;

нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа давлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа давлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмом қилиш;

ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш;

ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;

ҳокимият ҳаракатсизлиги;

мансаб сохтакорлиги;

пора олиш;

пора бериш;

пора олиш-беришда воситачилик қилиш;

давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий бойликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши;

суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлғон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлғон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, жисмоний босим ўтказиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш;

ҳарбий мансабдор шахснинг ҳокимиятни суиистеъмом қилиши, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиши ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги.

Муаллифнинг фикрича, коррупцияга қарши курашишда давлат хизматида ишга қираётган шахслар учун пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишдан бош тортиш тўғрисидаги декларацияни имзолаш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг ФК, ИПКга киритиш ҳамда ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик ва тергов чораларини МЖТК, ЖК ҳамда ЖПКда мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “коррупцияга оид жиноят” тушунчасини ва коррупцион жиноятларни ўз ичига олган янги боб киритиш ҳамда ЎЗР ЖКнинг 211-моддасида пора ваъда қилганлик ва таклиф этганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг тактик хусусиятлари” деб номланган иккинчи боб учта параграфни ўз ичига олган. Унинг *“Коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш тактикаси”* деб номланувчи биринчи параграфида коррупция билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва маълумотларни терговга қадар текширув ўтказувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби, коррупция ҳолати сабабли келиб тушган ариза ва хабарлар асосида ҳолат бўйича жиноят аломатлари мавжудлигини аниқлаш, жиноят содир этган шахсларни топиш, порахўрлик жиноятларини фош қилишда тезкор эксперимент тезкор тадбирларини ўтказиш зарурати, тартиби ва тактик хусусиятлари, жиноятчини жиноят устида қўлга олишни режалаштириш ва ташкил қилиш, пора предметиға махсус кимёвий воситалар билан ишлов бериш, шахсни жиноят устида ушлагандан сўнг кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари ҳамда коррупцияга қарши кураш амалиётида мавжуд бўлган муаммолар таҳлил қилинган.

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилинган жой, ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳамда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти содир этилган жойни қўздан кечириш давомида мутахассислар ва техника воситалари ёрдамида амалга ошириладиган дастлабки тадқиқот қўйидаги асосий масалаларни аниқлаш учун ушбу жиноятнинг табиатини, қўлбола усулда тайёрланган қалбакилаштириш қурилмасининг геометрик ўлчамларини, тури ва ишлаш усулини аниқлаш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2018.24.12, ПҚ–4075-сон) қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил давомида Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг ҳар бирида жиноятчилик аҳволидаги ўзгаришларни криминологик прогнозлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға методик жиҳатдан қўмаклашиш мақсадида республикамизнинг 46 та шаҳар ва туманида ишчи гуруҳ таркибида турли жиноятлар билан бир қаторда коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича амалиётда учраётган муаммолар ўрганилганида вилоят ИИБларида коррупцияга қарши кураш олиб борувчи тезкор бўлинмаларға ажратилган штатларнинг камлиги, терговчи ва суриштирувчиларнинг иқтисодий билимини ошириш зарурлиги аниқланган.

Тадқиқот ишида:

коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға ариза, хабар ёки маълумот келиб тушганидан сўнг бунга масъул бўлган шахслар зудлик билан жиноят изларини аниқлаши, жиноятчиларни ушлаш чораларини кўриши ва бошқа иштирокчиларни фош қилиши учун терговга қадар текширув босқичида кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тинтув ўтказиш, экспертиза учун намуналар олиш, сўроқ қилиш, телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш каби тергов ҳаракатларини олиб боришға жиноят-процессуал қонунчиликда рухсат этиш лозимлиги;

давлат хизматчиларининг коррупция ва порахўрликка берилиб кетиши ҳамда ноқонуний йўл билан бойлик орттириши каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ноқонуний йўл билан бойлик орттирганлик учун жавобгарлик белгиланиши кераклиги;

жойларда содир этилган коррупция билан боғлиқ жиноятларни “иссиқ изи”дан фош этиш учун суриштирувчи ва терговчилар жиноят ишига мазмунан тўғридан-тўғри алоқадор бўлган барча турдаги (абонент эгаси, кириш-чиқиш кўнғироқлари рўйхати, радиопеленгация ва бошқаларга оид) сўровларига уяли телефон алоқа компанияларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз қисқа муддат ичида жавоб олишлари зарурлиги;

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бўлинмаларга қўшимча штатлар ажратилиши кераклиги;

коррупцияга оид жиноятларни содир этиш усуллари, шунингдек молиявий ва ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни инобатга олиб, коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари терговчи ва суриштирувчиларининг иқтисодий билимини ошириш чораларини кўриш, бунда молия ва иқтисод йўналишларидаги олий таълим муассасалари ва малака ошириш институтларида бир йилда камида бир маротаба малака ошириш, бу билан уларнинг махсус сертификатларга эга бўлишини таъминлаш лозимлиги тўғрисида ҳулосаларга келинган.

«Коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида тергов вазиятлари ва уларнинг ечимлари» деб номланувчи иккинчи параграфда жиноят ишини тергов қилиш вақтида юзага келадиган, терговчи учун муҳим бўлган вазиятнинг криминалистик хусусиятини тавсифлайдиган ҳолатлар, жиноятни тергов қилишнинг ушбу вақтдаги реал шароитлари, яъни иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни осонлаштирувчи ёки қийинлаштирувчи ҳолатлар, тергов вазиятининг мазмун жиҳатдан психологик, процессуал, тактик ва ташкилий-техник хусусиятга эга бўлган элементлари тизими таҳлил қилинган.

Муаллиф А.И.Савоста, А.К.Закурлаев, Е.П.Ищенко, И.А.Архипова, М.В.Субботина ва Р.С.Белкин каби криминалист олимларнинг тадқиқот ишларини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “175-модда, 167-модда 2-қисм “г” банди, 192⁹-192¹¹-моддалар, 205-модда, 206-модда, 209-модда, 210-214-модда, 236-модда 2-қисми, 243-модда ва 301-модда”ларида кўрсатилган жиноятларнинг ҳар бири бўйича юзага келиши мумкин бўлган тергов вазиятларида терговга қадар текширув ва суриштирув ҳаракатлари ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига майда порахўрлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлигини асослаб берган.

Диссертант “коррупция оид жиноятлар” тушунчасига аниқлик киритиш, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказувчи органлар зиммасига юклатилган вазифалар, хусусан жиноят тўғрисидаги ариза, хабар ва маълумотлар асосида тергов-тезкор тадбирлари ўтказиш, улар натижасида олинган турли фактик маълумотлар, кўрсатувлар, ҳужжатлар, эксперт ҳулосалари ва далилий ашёлардан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят ишида далил тариқасида

фойдаланиш, ушбу тоифадаги жиноятлар терговининг дастлабки ва кейинги босқичларидаги тергов вазиятларининг хусусиятини таҳлил қилиш, жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишини таъминлаш, коррупцион жиноятларнинг криминалистик таснифи, типологияси ва тергов вазиятларидан келиб чиқиб, улар бўйича терговолди текшируви, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлари, тактик операциялар алгоритмини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида хулосалар чиқарган.

“Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси” деб номланувчи учинчи параграфда коррупцион жиноятларни тергов қилишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш; гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, эксперт, жабрланувчини сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, эксперимент ўтказиш, экспертиза тадқиқотлари учун намуна олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш тактикасининг асосий хусусиятлари ёритилган.

Тадқиқот ишида муаллиф коррупцион жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳисобини юритишнинг марказлашган тизимини яратиш ҳамда уни республикамизнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари фаолиятида жорий этиш мақсадида терговчилар томонидан электрон кўринишда тақдимномалар тузиш воситасини яратувчи “е-тақдимнома” дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, ушбу органлар томонидан “Жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар”, “Тақдимномалар ва уларнинг жавоблари”, “Жиноят содир этган шахслар ҳақидаги маълумотлар” базасини яратиш, ҳисоботларнинг қоғоз шаклидан воз кечиб, маълумотларни автоматлашган тарзда таҳлил қилиш имконини берувчи тизим жорий этишни таклиф қилган.

Диссертацияда Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоят ИИБларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўлинмаларидан (*АТСЖҚКБ*) маълумотлар олишни осонлаштириш мақсадида туман ИИО ФМБ таркибида мазкур маълумотлар билан ишлайдиган алоҳида тезкор вакил лавозимини жорий этиш тавсия қилинган. Бу йўналишда мутасадди вазирлик ва ташкилотлар билан кўшма қарор ишлаб чиқиш ва шу асосда вилоят ИИБларига алоҳида ҳимояланган интернет алоқа тармоғи орқали тўғридан-тўғри электрон маълумотлар билан ишлаш имкониятини яратиш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, ЖҚБ ходимлари томонидан жиноятларни тезкорлик билан “иссиқ изи”дан очиш ва жиноятчиларни аниқлаш мақсадида шахсларнинг соғлиқни сақлаш идоралари ҳисобида турганлигини текшириш, уларни қидириб топиш ва уларнинг шахсий маълумотларига аниқлик киритиш учун вилоят ИИБни махсус ҳимояланган компьютер жамланмаси билан таъминлаш ҳамда уни Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаси билан интеграция қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, учта параграфни қамраб олган. Унинг *“Коррупция билан боғлиқ жиноятлар*

терговини такомиллаштириши ва криминалистик техника воситаларидан фойдаланиши имкониятлари” номли биринчи параграфда “криминалистик техника” тушунчаси, мазкур тушунчага олимлар берган таърифлар, криминалистик техниканинг вазифалари, техник-криминалистик воситалар орқали турли излар ва бошқа объектларни топиш, қайд этиш ва олиш, ашёвий объектларни (криминалистик ҳисоблар, ахборот-қидирув тизимлари, автоматлаштирилган қидирув тизимлари, коллекция ва картотекалар орқали) қидириб топиш масалалари таҳлил этилган.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар, яъни пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳамда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишда, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида гувоҳни, гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилиш, кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, ушлаш, эксперимент ва экспертиза тадқиқотлари ўтказиш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашё ва ҳужжатларни қабул қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишда криминалистик фотография ва видеоёзув, компьютер, диктофон, GPS кузатув қурилмаси, полиграф, биллинг, вазиятлар маркази, дрон, чизиқли бўлмаган локатор, мобиль қурилмаларни криминалистик тадқиқот учун универсал қурилмалардан фойдаланиш лозимлиги асослаб берилган.

Криминалистик техника воситаларини қўллаш коррупциявий жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда бу тоифадаги жиноятлар профилактикаси, тергов тактикаси ва методикасини такомиллаштиришда энг юқори самарага эришиш имконини бериши изоҳланган.

